ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ ШЎРОЛАР ЖУМХУРИЯТИНИНГ ИККИНЧИ КУРУЛТОЙИ МУХТАРАМ РАЁСАТ ХАЙЪАТИГА ЧЎЛПОН (АБДУЛХАМИД СУЛАЙМОН) ТОМОНИДАН ЭЪТИРОЗ

Мухтарам курултойнинг ишларига маъзур важхлар билан бўлиб, якиндан аралаша олмаганим учун таассуф киламан ва сиз мухтарам хайъатдан ўтинаманким, менинг куйидаги аризамни мухтарам курултойга етказсангиз экан.

Улуг Октябрнинг аввалларидан бери ишчи-дехконларнинг инкилобий хукуматлари томонида бўлиб маориф ва маданият сохаларида кўлимдан келган кадар самимият билан ишлаб келганим маълумдир. Ватандошлар урушининг энг кизгин даврларида, шонли кизил аскарнинг «Перекоп» музаффарияти дамларида коммунистлар фиркаси томонидан ишлатилган бир газетанинг (ўша вактнинг энг сўл газетаси) — «Роста»нинг бошида туриб, кўлдан келган кадар инкилобга ва унинг енгишига хизмат килганман. Бу Тошкентнинг хамма шўро ва фирка ишчиларнга маълумдир. Ундан сўнг бошка газета, журналлар ва нихоят театр ишларида хам, шу ишларнинг рахбари бўлган сиёсий идоралар назоратида, ўшаларнинг кўрсатган йўллари билан пшлаб келганман. Булар хам хар кайсиси ўз кишиларига маълум.

Сўнгги икки-уч йил орасида шоирлик ва ёшлик майллари билан баъзи бир хатоларим бўлди. Чунончи, миллатчилик ва ватанпарастлик рухида шеърлар ва нарсалар ёзиб, баъзи жойда шу йўлда сўзлаганларим хам бўлди. Сўнг вактда, айникса, Москвада ўкиган вактларимнинг сўнгида ўз хатоларимга ўзим хам тушундим.

У ёзган нарсаларим ва сўзлаган сўзларим, камбагал ва йўксуллар душманларининг фойдасига хизмат килганини билдим. Башариятнинг умумий саодати, эзганлар ва бойларга карши эзилганлар ва йўксулларнинг курашида эканини англадим. Дунёда асосан икки карама-карши жабхага бўлинган бойлар билан камбагалларнинг курашида хак ва хакикатнинг камбагал ва йўксуллар томонида эканига каноат килдим. Мундан сўнгги ишимда шу каноат ва ишончимни асос килиб тутмакка карор бердим.

Мундан сўнг шу йўлдаги азмимни иш билан кўрсатиб, иш оркасида халиги хатоларни ишчи-дехконнииг кўнглидан кетказишга харакат киламан.

Мундан сўнг ўз фаолиятим учун ўзим севган театр сохасини олиб, унда якинда (шу йил) РКП(б) Марказий Комитети ташвикот-таргибот шўъбаси ёнида бўлган театр маслахат мажлисининг карори асосида, ўшани дастур килиб иш килишимни арз киламан.

Эътироз. — Мазкур хат «Маориф ва ўкитгувчи» журналининг 1927 йил 12-сонида эълон килинган. 20-йилларнинг ўрталарига келиб Чўлпон ижодидан гоявий хатолар кидириш, уни йиглокиликда, буржуа мафкурачилигида айблаш рухи билан сугорилган катор

маколалар эълон килинди. Умуман, шу вактга келиб сиёсий вазият анча кескннлашган, вульгар социологик танкид хужумга ўтган эди. Адиб А. Кодирийнинг айни шу вактда хибсга олинганини эътиборга олсак, булар келгусидаги катагонларнинг бош репетицияси эканини англаш кийин эмас. Айни шу шароитда Чўлпон маданиятчилар курултойи раёсатига ушбу хат билан мурожаат килиб, ўлгаинг хизматларини эслатади, «гунохларига тавба» килади.

«Курултойнинг ишларига маъзур сабаблар билан бўлиб, якиндан аралашолмаганим учун таассуф киламан...» — албатта, курултой соглом вазиятда, ижодий фикр алмашишда ўтганида Чўлпоп «маъзур сабаб»ларни рўкач килмасдан, курултойда жон-дилдан иштирок этган бўлар эди.

«Перекоп музаффарияти дамларида...» — 1920 йил 7 ноябрда Кизил Армия кўшинлари Сиваш кўлтигидан кечиб ўтиб Перекопни эгалладилар ва Врангелнинг кўшинлари 16 ноябрга келиб батамом тор-мор килинди. Бу вактда Чўлпон Тошкентда «РосТА» газетасига (бир сахифалик деворий газета) мухаррирлик килар эди.